

ЗАМОНАВИЙ БАНК ХИЗМАТЛАРИ - ИСТЕЪМОЛЧИЛАРИНИНГ ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРУВЧИ ДАСТАК СИФАТИДА

Аннотация. Ушбу мақолада банк хизматлари истеъмолчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилишни такомиллаштириш борасида қонунчиликдаги ўзгартиришлар, банкларда тўлов тизимлари ва ахборот коммуникация технологиялари (АКТ) инфратузилмасини ривожлантириш йўналишида амалга оширишга эътибор қаратилган.

Таянч иборалар: банк, тўлов, тўлов тизими, банк сектори, ахборот коммуникация технологиялари, инфратузилма, истеъмолчиларининг ҳуқуқлари, кредит, қарз олувчи, чакана тўлов, тезкор тўлов.

СОВРЕМЕННЫЕ БАНКОВСКИЕ УСЛУГИ – КАК ПОДДЕРЖКА УЛУЧШЕНИЯ ЗАЩИТЫ ПРАВ ПОТРЕБИТЕЛЕЙ

Аннотация. Данная статья посвящена внедрению изменений в законодательство для улучшения защиты прав потребителей банковских услуг, развитию платежных систем и инфраструктуры информационно-коммуникационных технологий (ИКТ) в банках.

Ключевые слова: банк, платеж, платежная система, банковский сектор, информационные коммуникационные технологии, инфраструктура, права потребителей, кредит, заемщик, розничный платеж, экспресс-платеж.

MODERN BANKING SERVICES - AS SUPPORT FOR IMPROVING CONSUMER PROTECTION

Abstract. This article is devoted to the implementation of changes in legislation to improve the protection of the rights of consumers of banking services, the development of payment systems and information and communication technologies (ICT) infrastructure in banks.

Key words: bank, payment, payment system, banking sector, information communication technology, infrastructure, consumer rights, credit, borrower, retail payment, express payment.

Мамлакат иқтисодиётини барқарорлигини таъминлашда молиявий сектор алоҳида ўрин тутди. Хусусан, халқаро стандартларга мувофиқ келадиган ва молиявий соҳага хорижий инвестициялар киритиш учун жозибадор ҳуқуқий муҳитни

яратадиган, истеъмолчиларга замон талаби даражасида хизмат турларини кўрсатишга асосланган Ўзбекистон Республикасининг «[Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида](#)»ги, «[Банклар ва банк фаолияти тўғрисида](#)»ги, «[Валютани тартибга солиш тўғрисида](#)»ги ҳамда «[Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисида](#)»ги янгиланган қонунларининг қабул қилиниши фикримиз исботидир.

Шу билан бирга, банк соҳасидаги ҳозирги ҳолат таҳлили банк секторида давлатнинг юқори даражадаги аралашуви, давлат иштирокидаги банкларда менежмент ва таваккалчиликларни бошқариш сифатининг етарли эмаслиги, иқтисодиётда молиявий воситачиликнинг паст даражаси каби банк секторини иқтисодий янгиланишлар ва жамият эҳтиёжларига мос равишда ривожлантиришга тўсқинлик қилаётган қатор тизимли муаммолар мавжудлигини кўрсатмоқда.

Айниқса, бугунги кунда юртимизда истеъмолчиларга замонавий банк хизмат турларини кўрсатиш ва уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган ҳуқуқий механизмнинг яратилиши ва уни такомиллаштириш борасида қонунчиликдаги ўзгартиришлар, банкларда тўлов тизимлари ва ахборот коммуникация технологиялари (АКТ) инфратузилмасини ривожлантириш каби қатор ишлар олиб борилмоқда.

Бизга маълумки, замон талаби ва халқаро тажрибадан келиб чиқиб банк тизимини такомиллаштириш борасида амалга оширилаётган ислохотлар доирасида банк хизматлари истеъмолчилари ҳуқуқи ва қонуний манфаатлари ҳимоясини таъминлаш Марказий банк фаолиятининг устувор йўналишларидан биридир.

Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги қонуннинг 9-боби айти шу масалаларни қамраб олинган бўлиб, бунда Марказий банк томонидан банк хизматлари истеъмолчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга доир амалдаги норматив ҳужжатларни такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилди. Жумладан:

- банк истеъмолчининг танлаш ҳуқуқини чекламаслиги;
- банк қарз олувчи томонидан шартномага асосан кредит бўйича қарздорлик суммасини тўлаш мажбурияти тўлиқ бажарилган санадан бошлаб уч иш кунидан кечиктирмаган ҳолда мазкур қарз бўйича гаровда турган мулкни тақиқдан чиқариш чораларини кўриши;
- банк томонидан миждознинг банк ҳисобварағи бўйича амалиётлар тўхтатиб қўйилганда, ушбу маблағ ҳисобдан чиқарилган санадан бошлаб кейинги иш кунидан кечиктирмаган ҳолда ҳисобварақ эгасига хабарнома юбориши;
- кредит шартномасида кредит маблағларини бериш муддати, шартлари ва улардан фойдаланиш тартиби аниқ кўрсатилиши;

- кредит шартномасида кредит маблағларини бериш мажбуриятини бажармаганлиги ёки ўз вақтида бажармаганлиги учун банк қарз олувчи олдида кредитор сифатида ўз жавобгарлигини акс эттириши;

- кредитдан фойдаланганлик учун фоизлар кредит суммаси қарз олувчи томонидан кўрсатилган бошқа ҳисобвараққа ўтказилган ёхуд қарз олувчига нақд пул кўринишида берилган санадан бошлаб ҳисобланиши;

- агар кредит шартномасида кредитни сўндириш даврида имтиёзли давр кўзда тутилган бўлса, унда имтиёзли даврнинг бошланиш куни кредит берилган санадан ҳисобланиши;

- банк қарз олувчига кредит шартномасида назарда тутилган кредитни беришдан бутунлай ёки қисман бош тортган тақдирда, қарз олувчига кредит бериш тўхтатилганлиги ва унинг сабаблари юзасидан ёзма хабарнома юбориши ва ҳ.к.

Юқоридаги истеъмоличиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида кўрсатилаётган хизматларидан ташқари бир қаторда муаммолар мавжуд. Буларга:

- аҳолининг банк тизимига нисбатан ишончини ошириш;

- тижорат банклари томонидан кўрсатилаётган банк хизматлари тўғрисидаги маълумотларнинг шаффофлиги ва уларни ошкор этилишини таъминлаш;

- банк тизимида мижозларга хизмат кўрсатишдаги тизимли камчиликларни аниқлаш ҳамда уларнинг олдини олиш;

- аҳолининг молиявий саводхонлик даражасини ва молиявий хизматлар оммабоплигини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Банк тизимидаги бу ислохотларнинг олиб борилишидан кўзланган мақсад – тижорат банкларини мижоз учун ишлашга ўргатишдан иборат. 2019 йил 1 ноябрда қабул қилинган “Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисида”ги Қонунда тўлов тизимлари ва уларнинг таркибий қисмларига бўлган талаблар, уларни назорат қилиш ва кузатиб бориш, тўлов тизимлари операторлари ва тўлов ташкилотларини лицензиялаш, электрон пул эгаларини идентификациялаш тартиби ҳамда тўлов тизимларида хавфсизлик ва ахборот муҳофазасини таъминлашга доир меъёрлар билан бойитилганлигини, бу эса мамлакатимизда замонавий банк хизматларини кўрсатишнинг зарур қонуний платформа эканлигини исботламоқда.

Бизга маълумки, 2018 йил 19 сентябрда “Миллий тўлов тизимини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарор билан Миллий банклараро процессинг маркази (МБПМ) ташкил қилинганди. Бу марказ орқали ягона унификацияланган тўлов инфратузилмасини шакллантириш эришилди. Бунда:

- молиявий технологияларни ривожлантириш, банк хизматларини рақамлаштириш ва чакана банк хизматлари оммабоплигини ошириш учун рақобат муҳитини ривожлантириш;

- чакана тўлов тизимлари фаолиятининг ишончилигини ошириш;

- тижорат банклари томонидан замонавий банк маҳсулотларини амалиётга татбиқ қилиш учун имкониятлар яратилаяпти.

Бунга мисол қилиб, “Анор” тезкор тўловлар тизимининг йўлга қўйилганлиги ва бу тизим юридик шахслар ва яқка тартибдаги тадбиркорлар ўртасида реал вақт режимида банклараро пул ўтказмаларини тезкор амалга ошириш имконини бераётганлиги ва 24/7 вақт давомида дам олиш ва байрам кунлари ҳам танаффуссиз ишлаётганлигини айтиш мумкин.

Дунё амалиётидан кўриш мумкинки истеъмолчиларга замонавий банк хизматларини кўрсатишда QR-кодлардан фаол фойдаланилмоқда. Бу амалиёт республикамизга ҳам жадаллик билан кириб келмоқда. Хусусан, харидор ўз банк тўлов картасини смартфондаги иловага боғлайди, савдо тармоқларида харид қилишда ёки хизматлар учун тўловни амалга оширишда банк картасидан фойдаланмай, мазкур илова ёрдамида ҳисоб-китоб қилади. Бундай ҳисоб-китоблар харидор учун ҳам, сотувчи учун ҳам оддий банк пластик картасидан тўловни амалга оширишдан кўра қулайроқ.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, бугунги кунда, банкларда банк мобиль илова дастурлари имкониятларини янада ошириш бўйича қатор ишлар амалга оширилмоқда. Яъни, банк карталари орқали кўрсатилаётган хизмат турларини кўпайтириш ҳамда тўлов хизматлари бозорида рақобат муҳитини шакллантириш, тўлов тизимлари субъектларини назорат қилиш механизмларини ишлаб чиқиш ҳамда амалиётга татбиқ этиш, истеъмолчиларга янги, инновацион ва масофавий хизмат турларини кенгайтириш, чакана савдо ва хизмат кўрсатиш пунктларида тўловларни картадан фойдаланмасдан NFC технологияси асосида тўлаш механизмининг жорий этиш ва сифатли замонавий банк хизматларини кўрсатиш чоралари олиб борилмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги “2020 — 2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида” ги ПФ-5992-сон фармони.

2. 2019 йил 5 ноябрдаги “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси № ЎРҚ -580 Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида.

3. Нестерова Т.Н. Банковские операции, М., 2020.
4. Питер С. Роуз Банковский менеджмент, М., 2007.

И.Т.Тожибаев, илмий рахбар Б.Т.Тожибаев
Наманган мухандислик технология институти,
Наманган, Ўзбекистон
tojibayev77@gmail.com

ТАБАҚАЛАНИШ ЖАРАЁНЛАРИНИ СОЦИОЛОГИК ТАҲЛИЛИ

Аннотация. *Мазкур мақолада инсоният тараққиётида табақалашувнинг пайдо бўлиши, жамиятнинг ижтимоий таркибига таъсир ўтказувчи муҳим ижтимоий кўрсаткичлари, гендер ҳақида маълумотлар берилган. Шунингдек Ўзбекистон шароитида жамиятни табақаланиш тизимлари ўзига хусусиятлари қисқача изоҳланган.*

Калит сўзлар. *Табақаланиш, Стратификация, гендер, феминизм, миллатлараро стратификация, диний табақаланиш, табақаланиш манбалари.*

И.Т. Тожибаев, научный руководитель Б.Т. Тожибаев
Намаганский инженерно технологический институт
Наманган, Узбекистан
tojibayev77@gmail.com

СОЦИАЛОГИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ ПРОЦЕССОВ СТРАТИФИКАЦИИ

Аннотация. *Данная статья характеризует появление стратификации в развитии человечества, важные социальные индикаторы которой влияют на социальный состав общества и гендерные процессы. Также приводится краткий обзор характеристики системы социальной стратификации в Узбекистане.*

Ключевые слова. *Стратификация, стратификация пола, феминизм, межэтнического расслоения, религиозного расслоения, источники стратификации.*

I.T. Tojibaev, B.T. Tojibaev
Namangan engineering technological institute
Namangan, Uzbekistan

SOCIOLOGICAL ANALYSIS OF STRATIFICATION PROCESSES

Abstract. *This article provides information on the emergence of stratification in human development, the important social indicators that influence the social composition of*